



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 34 [14.085]

Баҳоси эркин нарҳда

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ "ЛУКОЙЛ" КОМПАНИЯСИ РАҲБАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 март куни Россиянинг "ЛУКОЙЛ" компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, жаҳоннинг етакчи энергетик корпорацияларидан бири ва Ўзбекистон нефть-газ комплексининг муҳим инвестори – "ЛУКОЙЛ" билан стратегик шерикликда сезиларли ривожланишга эришилганини алоҳида таъкидлади.

Бугунги кунда компаниянинг қўшма лойиҳаларга киритган сармоялари ҳажми 10 миллиард доллар атрофида. Йилга 8 миллиард куб метрдан зиёд табиий газни қайта ишлаш қувватига эга Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси муваффақиятли фаолият юритмоқда. Жануби-Ғарбий Ҳисор ва Устиртдаги конларни ўзлаштириш давом этмоқда. Бундан ташқари, "ЛУКОЙЛ" мамлакатимиздаги ижтимоий дастурларни фаол қўллаб-қувватламоқда.

Учрашувда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш истикболлари кўриб чиқилди.

Компаниянинг корпоратив бошқарув ва нефть-газ тармоғида рақамли технологияларга ўтиш борасидаги тажрибаси ва илгор ечимларини жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ҳудудида геология-қидирув соҳасида ҳамда углеводород конларини, жумладан, қазиб олинишни қийин бўлганларни ўзлаштириш борасида кооперацияни мустақамлаш имкониятлари муҳокама қилинди.

Илмий изланишлар ҳамда энергетика тармоғи учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш ўз-ўзига манфаатли сифатида белгилаб олинди.

ЎЗА

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 март куни Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Сума Чакрабарти бошчилигидаги ушбу нуфузли молиявий институт делегациясини қабул қилди.**

Ўзбекистон ва ЕТБ 2017 йилда шерикликни қайта йўлга қўйганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Утган даврда банкнинг мамлакат стратегияси ва қўшма "Йул харитаси" қабул қилинди ва амалга оширилмоқда.

Янги инвестициялар ҳажми 1,1 миллиард долларга етиб, энергетика, иссиқлик ва сув таъминоти, коммуналхўжалик, йўл ва уй-жой қурилиши каби устувор тармоқларга йўналтирилган. Айни пайтда ЕТБ киритган сармоянинг учдан бир қисми хусусий сектор ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда.

Тошкентдаги ваколатхонадан ташқари банк Андижонда ўз офисини очди, жорий йил охиригача Урганчда ҳам очилиш режалаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари икки томонлама ҳамкорликда бундай юксак даражага эришилганига Сума Чакрабартининг шахсий ҳиссаси ва фаол саъй-ҳаракатлари борлигини алоҳида қайд этди.

Учрашувда узоқ муддатли истик-

болга мўлжалланган амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари батафсил кўриб чиқилди.

ЕТБ президенти ушбу етакчи халқаро молиявий ташкилот Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар дастурига ҳар томонлама қўмақлашни давом эттириш ҳамда шериклик қўламини тубдан кенгайтиришга тайёр эканини билдирди.

Инфратузилмани модернизация қилиш, банк соҳаси, тўқимачилик ва sanoatнинг бошқа тармоқларини ривожлантириш, кичик бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича устувор лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодига тўғридан-тўғри инвестициялар, илгор тажриба, илм ва технологияларни жалб қилишга қаратилган қўшма тадбирлар режаси ва кун тартиби юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗА

## ЮКСАК ЭЪТИБОРНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

**Сўнги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида янги Ўзбекистонда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, азиз опа-сингилларимизнинг жамият ҳаётидаги мақоми ва обрў-эътиборини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига устувор йўналиш сифатида қаралмоқда.**

Айниқса, баҳорий гўзаллик ва нафосат айёми – Халқаро хотин-қизлар куни арафасида мўтабар оналаримиз, мунис ва дилбар аёлларимиз, латофатли қизларимизга меҳр-оқибат ва юксак иззат-қиром кўрсатишдек эзгу ва хайрли анъаналаримиз кенг миқёсда намоён бўлмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев 5 март куни мамлакатимиз хотин-қизларининг энг фаол ва ташаббускор вакилларидан бири – Фаргона вилояти, Олтиариқ туманидаги "Нурли обод" фермер хўжалигининг раҳбери, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси Лола Муротова билан телефон орқали мулоқотда бўлиб, яқинлашиб келаётган кутлуг байрам билан қизгин табриклади.

Давлатимиз раҳбари самимий суҳбат чоғида Лола Муротованинг мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ва фермерлик ҳаракати ривожига, жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қўшаётган беҳисаб ҳиссасини, кўп йиллик заҳматли ва ҳалол меҳнатларини, она Ватанимиз гуллаб-яшнаши йўлидаги муносиб хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Лола Муротова ўзининг қирқ йилдан ортқ давр мобайнида бой тажрибаси, бутун билими ва куч-ғайратини диёри-

лигига сафарбар этгани, шунингдек, жонқуяр, камтар ва оқила ўзбек аёли сифатида ёш авлод ва бутун мамлакатимиз хотин-қизлари учун чинакам ўрнак ва намуна бўлаётгани ҳурмат билан қайд этилди.

Президентимиз ҳозирги вақтда даволанишда бўлган машур фермерга мустақам сўхат-саломатлик ва бардамлик, ҳамиша яқинлари эъзозу ардоғида бўлиб юришликни тилади.

Лола Муротова, ўз навбатида, юртбошимизга иш жадвали тизим бўлишига қарамай кўрсатган чексиз ғамхўрлик ва қўллаб-қувватлашлари учун чин қалбдан ташаккур изҳор этди. Бундай самимий илтифот ва рағбатни мамлакатимизнинг барча аёлларига доимий равишда кўрсатиб келинаётган юксак эътиромнинг ёрқин ифодаси сифатида мамнунлик ила қабул қилишини айтиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан, шу кун Олий Мажлис Сенатининг Раиси Танзила Норбоева Ўзбекистон Қаҳрамони Лола Муротовани кутлуг айём муносабати билан кутлаш ва ҳолидан хабар олиш учун Фаргона вилоятига шахсан ташир буюрди ҳамда Президентимизнинг байрам совғаларини топширди.

ЎЗА

## СУМА ЧАКРАБАРТИ: УЧ ЙИЛЛИК ҲАМКОРЛИГИМИЗ САМАРАЛИ БЎЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 март куни Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Сума Чакрабарти бошчилигидаги ушбу молиявий институт делегациясини қабул қилди.**

Учрашувдан сўнг Сума Чакрабарти қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Аввало, Европа тикланиш ва тараққиёт банки мамлакатимизда кенг қўламда олиб борилаётган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тарафдори эканини таъкидламоқчиман.

Ўзбекистон билан уч йиллик ҳамкорлигимизни нишонламоқдамиз. Мамлакатимиз иқтисодиётига киритган инвестициямиз ҳажми 1,1 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади. Жалб қилинган сармоя турли соҳаларда 33 лойиҳани амалга оширишга қаратилган. Биргаликда яна қўллаб қўшма лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқчимиз. Ўзбекистон, айниқса, хусусийлаштириш соҳасида янада жадал ривожланиши зарур.

ЕТБ хусусийлаштириш соҳасига янада кўпроқ инвестиция киритиш ниятида. Бу, жумладан, корхона ва банкларни хусусийлаштиришга йўналтирилади. Биз табиий ресурслар, тоғ-кон санюати, газ ва энергетика соҳаларида ҳам қўшма лойиҳаларни амалга ошираемиз.

Айни пайтда асосий эътиборни нафақат пойтахт, балки вилоятлардаги лойиҳаларга қаратмоқдамиз. Андижонда ваколатхонамиз мавжуд. Жорий йилда Урганч шаҳрида ҳам ваколатхона очилиш ниятида. Ваколатхоналаримиз маҳаллий санюатни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳар томонлама хизмат қилмоқда. Сўзим сўнгида, ҳамкорлигимиз барқарор ривожланаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

ЎЗА

## 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни



## "БАЛЛИ, АЁЛЛАР!" КЎРИК-ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинлари миқёсида "Мен намунали ҳарбий оила бекасман" шиори остида "Балли, аёллар!" кўрик-танловининг якуний босқичи ўтказилди.**

Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустақамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида ташкил этилган ушбу ташаббус ҳарбий хизматчилар оилаларида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, маънавий-маърифий тадбирларни оммалашти-

риш ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган энг намунали ҳарбий оилалар бекаларини аниқлаш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда хизмат қилаётган ҳарбийлар бекаларидан 9 нафари қатнашди.

Иштирокчилар тўртта шарт бўйича ўз маҳоратини синовдан ўтказди. "Аёл дунёни тебратар" номли биринчи шартда

оила бекалари миллий рақс, кўшиқ куйлаш ва бошқа ижрочилик йўналишларида истеъдодли кўрсатди. "Фарзандим – кўзичоғим" шартда қатнашчилар миллий қадриятларимиздан бири бўлган алла айтди. Бир-бирини тақрорламайдиган, меҳр-муҳаббатга тўла оҳанглар барчада катта таассурот қолдирди.

(Давоми 3-бетда)

## ВАГИТ АЛЕКПЕРОВ: ИНВЕСТИТОРЛАРГА ЯРАТИЛАЁТГАН ҚУЛАЙЛИКЛАР ТАҲСИНГА САЗОВОР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 март куни Россиянинг "ЛУКОЙЛ" компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.**

Учрашувдан сўнг Вагит Алекперов қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Бугун Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар бутун дунё бизнес ҳам-жамияти томонидан ижобий баҳоланмоқда. Ижтимоий соҳада ҳам улкан ўзгаришлар рўй бермоқда.

Мен бугун "Tashkent City" да бунёд этилган ноёб иншоотларда бўлдим. Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ҳам шу каби бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон фуқароларининг нафақат бугунги, балки эртанги кунга яшашни ортган. Маҳаллий инвестициялар кўпаймоқда. Буларнинг барчаси хорижий инвесторлар ишончини оширади. Қисқа вақтда мамлакатнинг бизнес учун жозибадорлик жиҳатидан энг илгор давлатлар қаторига олиб чиқилиши таҳсинга лойик.

Президентга навбатдаги режаларимиз ҳақида ахборот бердим. Уларни қўллаб-қувватлади. Ўзбекистон Президенти шакллантирган пойдевор асосида янги қонунчилик базаси яратилмоқда. Биз инвестор сифатида амалга ошираётган лойиҳаларимиз барқарор солиқ қонунчилигига таянишдан манфаатдоримиз.

Компаниямиз Ўзбекистонда ижтимоий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳам сармоя киритмоқда. Болалар боғчалари қурилмоқда. Учрашувда Гази шаҳри ижтимоий инфратузилмасини такомиллаштириш, геология-қидирув соҳасида "Ўзбекнефтгаз" билан қўшма корхона тузиш масаласи муҳокама қилинди.

Президент илм-фан, рақамли технологияларни ривожлантиришга катта аҳамият бермоқда. "ЛУКОЙЛ" компанияси илмий таълим марказларини ташкил этиш борасида ўзига хос тажрибага эга. Биз олий мактабларни илмий лойиҳа институтларимиз билан бирлаштирдик. Бундай лойиҳа Пермь шаҳрида амалга оширилган. Президент жаноблари мутасаддиларга биз тўплаган тажриба билан танишиш ва уни Ўзбекистонда ҳам жорий этиш бўйича топшириқ бердилар.

ЎЗА МУХБИРИ  
З.ЖОНИБЕКОВ  
ёзиб олди



• Наманган вилояти ҳокими Хайрулло Борзоров ва Миср Араб Республикасининг "Каро Agrif Group" компанияси президенти Алаа Камар Гамал тўмонидан замонавий балиқчилик мажмуасини барпо этиш бўйича инвестиция шартномаси имзоланди. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизматидан олинган маълумотларга кўра, мажмуа Норин тумани ҳудудидаги 80 гектар майдонда барпо этилади. Умумий қиймати 4 миллион доллар ярим ин-

тенсив балиқчилик комплекс лойиҳаси 100 фоз тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳисобидан амалга оширилди. Африка лақнаси, форель ва бошқа балиқ турлари етиштиришга ихтисослашадиган ва йиллик 1,5 миллион доллар экспорт амалиёти режалаштирилган корхона 2021 йилда фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

• Андижон вилояти Бўстон туманида тадбиркорликни ривожлантиришга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Мулоқотда тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса 8 та тадбиркорлар учун махсус қўлланмалар тайёрлаш ва чоп этиш, таълим муассасалари ўқув дастурига тадбиркорликка оид махсус фан киритиш, тарғибот ишларини янада кучайтириш заруриги, шунингдек, фермерлар ўртасида давлат монополиясига қарши эркин рақобатни шакллантириш, кластер тўғрисида қонун қабул қилиш, тадбиркорликни бошлаётганлар учун солиқ имтиёзлари муддатини узайтириш каби қатор тақлифлар билдирилди.

• Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги томонидан Хоразм вилояти Гурлан туманида "Рақамли технологиялар" ўқув маркази ташкил этилди. Зарур технологик воситалар билан жиҳозланган марказда ёшларга ахборот технологиялари ва электрон тижорат соҳасида инновацион тадбиркорлик асосларини ўргатиш, ахборот технологиялари соҳасида стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлашнинг замонавий ҳамда самарали механизмларини яратиш, робототехника ва киберспорт асосларини ўргатиш учун барча шароит яратилган.



• Олимлар биринчи марта дунёдаги энг йирик сут эмизувчилар биологияси ҳақидаги янги маълумотларни кашф этган кўк китнинг юрак уриш тезлигини қайд этиш-

ди. Махсус қурилмадан фойдаланиб, биологлар кўк китнинг юрак уришини ўлчаш учун танасининг чап томонида электрон датчикларни бириктирдилар. Мутахассислар кўк кит оққатлашиш учун сув тўбига шўнғиганида унинг юрак уриши дақиқада икки мартага камайганини аниқладилар. Сўннинг юза қисмига кўтаришда эса юрак уриши яна тезлашган. Уларнинг юрак уриш тезлиги – дақиқасига 25 дан 37 гача деб хабар беради Миллий Фанлар академиясининг олимлари. Узунлиги тахминан 30 метр бўлган кўк китлар энг йирик сут эмизувчилар ҳисобланади. Олимларнинг фикрига кўра, кўк китнинг юраги "энг юқори даражада ишлайди".

• Хиндистоннинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Ражастон штатидаги тез-юрак йўлда миҳозларни тўйга олиб кетаётган автобуснинг сувга қулаб тушиши натижасида 20 киши ҳаётдан кўз юмди. Ҳозирда автохалокат сабаблари аниқланмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил учун мўлжалланган муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида буюк Имом Ал-Бухорий ҳазратларининг "Ал-Жомий ас-саҳиҳ" асари "Барча эзгу амаллар ниятга боғлиқ, ҳар бир кишига фақат ният қилган нарса берилиши" ҳақидаги ҳадис билан бошланишида жуда чуқур маъно бор дея таъкидлаб ўтган эди.**

Миллий тикланиш босқичларидан ўтиб, миллий юксалиш сари ҳаракат қилинар экан, унда барча соҳа қатори тадбиркорлар фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий турмушда фаровонлик, иқтисодий ривожланишнинг асослари айнан ишбилармонлик муҳитига боғлиқлиги барчамизга аён, бунинг учун эса Ўзбекистон ўзи танлаган Ҳаракатлар стратегиясига таянган ҳолда иш олиб бормоқда.

Мазкур жараёнларни янада фаоллаштириш учун давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва химоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони қабул қилинди ва унга мувофиқ республиканинг ҳар бир ҳудудидида, яъни туман, шаҳар, вилоятларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини қўриб чиқиш қабулхоналари ташкил этилди.

Қабулхоналар фаолият мезони тадбиркорлар йўлига тўсиқ бўлиб келаётган муаммоларга барҳам бериш, иш бошламоқчи бўлганларга йўл кўрсатиш эканлиги барчамиз учун тушунарли, лекин Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини қўриб чиқиш қабулхонаси ташаббуси билан бир қаторда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳридаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, солиқ, адлия, қурилиш, божхона бошқармалари, кадастр хизмати, савдо-сановат палатаси, Марказий банк Тошкент

шаҳар Бош бошқармаси ва тижорат банклари билан ҳамкорликда ҳар бир тумандаги секторларда ташкил этилаётган сайёр қабул ва бевосита мулоқотлар орқали пойтахтимиздаги тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этишга эришилмоқда. Яқка тартибдаги тадбиркор Р.Исмаиловнинг Тошкент шаҳар Чорсу бозори худудидаги савдо дўкони бозорни реконструкция қилиш мақсадида 2017 йилда бузилганлиги ва ҳозирги кунга қадар давлат эҳтиёжлари учун бузилган бино эвазига компенсация қилинмаганлиги тўғрисидаги мурожаати сайёр қабулда тегишли мутасадди ташкилотлар билан биргаликда қўриб чиқилди ва унинг натижасида Тошкент шаҳар ҳокимининг 2019 йил 30 декабрдаги 1870-сонли қарорига мувофиқ Миробод туманидан бузилган иншоотга мутаносиб бўлган бино ажратилди.

Ҳозирги кунда халқ манфаати бевосита тадбиркор ва ишбилармонлар фаолияти эркинлиги ҳуқуқни қамқоватланганлиги билан чамбарчас боғлиқ эканлигини барчамиз яхши биламиз.

Кун кеча Сергели туманида Тошкент шаҳридаги Бош вазир қабулхонаси Республика ишчи гуруҳи – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ҳамкорликда ўтказилган сайёр қабулда тадбиркорларни қўйиб қўйиб масалаларга ечим топиш чоралари кўрилди.

## ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР БИЛАН ҲАМНАФАС

Мазкур сайёр қабулда оилавий тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқаро Д.Зокоревнинг маҳалла худудида аёллар учун спорт-фитнес зали ташкил этиш мақсадида спорт анжуманларини харид қилиш учун "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида имтиёзли кредит ажратиш масаласида қилган мурожаати ушбу сайёр қабулни ўзида тегишли мутасадислар билан биргаликда қўриб чиқилди ва 3 кунлик муддатда "Агробанк" Тошкент шаҳар филиали томонидан имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши маълум қилинди.

Қабулхона томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг мазмуни ва мақсади оддий, "Меҳнат қилсанг, роҳат кўрасан" ҳаттоки, давлатимиз шу меҳнатга, эмин, эркин ишлашга шароит яратиб бермоқ-

да. Шу мақсадда ҳукуватимиз томонидан тегишли қарорлар қабул қилинмоқда ҳамда йўналишлар белгилаб берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан кун кеча Яшнобод туманида ўтказилган фаоллар йиғилишида тадбиркорлар ва ишбилармонлар ана шу фикрларни баён этдилар.

Тошкент шаҳрида тадбиркорлар меҳнат қилишмоқда, роҳатини шу халқ билан бирга баҳам кўришдек улуғ мақсадлари бор. Тошкент шаҳридаги Бош вазир қабулхонаси ҳам ушбу тадбиркорларни эркин фаолият кўрсатишлари ва орзу умидларини қўллаб-қувватламоқда. Бироқ, айрим ҳолатларда сунъий равишда юзага келтирилган тўсиқлар оқибатида аниқ манзилли дастурлар ҳам тўхтаб қолмоқда. Ўтказилаётган сайёр қабулларда ана шундай вазиятларни ойдинлаштириб, бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш масалалари муҳкамлар марказида бўлмоқда. Хусусан, имтиёзли кредитлар ажратилиши, электр энергияси, газ ва сув таъминоти билан боғлиқ муаммолар, турли ортиқча қўғозболиклар, экспорт масалаларига ҳамда ер майдонлари ажратилишига оид муаммолар тараққиёт илдизига болта урувчи иллат, коррупцияга қарши курашиш борасида ҳам зарурий тушунчалар берилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар мурожаатларини ҳал этишда кузатилаётган мутасадди ташкилотларнинг эътиборсизлиги ортдаги ишларини ҳал этиш чоралари, иқтисодий комплексни янада ривожлантириш ишлари Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши томонидан қўриб чиқилди ва ушбу муаммоларни бартараф этиш юзасидан депутатлар билан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Отабек ЯМИНОВ,**  
Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини қўриб чиқиш қабулхонаси мудир

## ЯНА БИР КОМПАНИЯ ЛИЦЕНЗИЯ ОЛДИ

**Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ гуруҳига кирувчи "SQB Securities" масъулияти чекланган жамиятига лицензия берилди. Янги компания инвестицион воситачи, инвестицион консалтинг, шунингдек, инвестицион активларнинг ишончли бошқарувчиси ҳисобланади.**

"SQB Securities" директори Амур Жалиловнинг таъкидида, компания халқаро капитал бозорига чиқиш ҳамда халқаро ва маҳаллий бозорлар ўртасида асосий боғловчилик ўрнини мустақамлашга эътибор қаратади. Шу мақсадда ҳам маҳаллий, ҳам халқаро ҳамкорлар билан инвестиция-банк соҳасида ҳамкорликни мустақамлаш орқали капитал бозорига инновацион ечимлар, маҳсулот ва хизматлар татбиқ этилади.

Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директори Отабек Назиров тижорат банкларининг капитал бозорига профессионал иштирокчилар сифатида фаол кириб келишини олқишлайди.

"Биз компанияларимизнинг хусусийлаштириш жараёнида чет эллик инвесторларнинг фаол иштироки этишларини таъминлаш ҳамда капитал бозорининг ликвидлигини ошириш учун банкларимиз ва халқаро инвестиция компаниялари ўртасида ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ниятидаммиз", деди О.Назирова. (Ўз муҳбиримиз)

## ҚУРИЛИШ СОҲАСИГА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ШОТЛАНДИЯ ТАЖРИБАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигида Шотландиядаги Эдинбург коллежи вакиллари Сара Гор, Нил Гардинер ва Буюк Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ходимлари иштирокида давра суҳбати ташкил этилди.**

Унда вазирилик тарихидаги таълим муассасалари ҳамда Эдинбург коллежи ўртасида тажриба ўртаклашиш, педагоглар малакасини ошириш ва кадрлар алмашинуви каби масалаларда сўз юритилди.

— Бизда бу каби халқаро тажриба билан яқиндан танишиш ишлари мунтазам йўлга қўйилган, — дейди вазириликнинг таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Аъзамиддин Қўлдошев. — Яқинда туркиялик экспертлар билан ҳам худди шу йўналишдаги музокараларни олиб борганимиз, олинган режаларимиз эса хоризлик ҳамкабаримизни нафақат пойтахтимиз, балки бошқа вилоятлардаги таълим муассасаларимиз фаолияти билан яқиндан таништириш

ва ҳамкорлик ишларини ривожлантиришдан иборатдир. Тадбир сўнггида таълим муассасалари ўртасида ўзаро шартномалар тузиш ва ҳамкорлик меморандумини имзолашга келишиб олинди.

Маълумот ўрнида, ҳозирда мингдан ортиқ малакали педагоглар ва 26 минг нафар талабага эга, Шотландиядаги нуфузли таълим муассасаларидан бири бўлган Эдинбург коллежи Марказий Осиё давлатлари орасида фақат Қозғистон билан ҳамкорлик ишларини йўлга қўйган бўлиб, Қурилиш вазирлиги тизимидаги таълим муассасалари билан ўзаро тажриба алмашиш ҳам Эдинбург коллежи раҳбариятининг Ўзбекистон билан илк ҳамкорлик келишуви ҳисобланади.

## ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

**Қурилиш вазири ўринбосари Козим Тўлаганов иштирокида бир гуруҳ ёш маънавият тарғиботчилари билан учрашув ўтказилди.**

Унда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари хусусида сўз борди. Хусусан, Тошкент шаҳрида барпо этилаётган кўп қаватли арзон уй-жойлар ва қишлоқларимиздаги намунавий лойиҳа асосида қурилаётган арзон-уй жойлар хусусида аниқ рақамларга таянган ҳолда батафсил маълумотлар берилди.

Тадбир кўтаринки ва кизгин руҳда ўтди. Илгор ёшларимиз томонидан кўплаб мавзуга оид саволлар берилди. Ёшлар мутасаддилар томонидан қурилиш соҳасига оид айтиб ўтилган маълумотлар улар учун катта аҳамият

касб этиши, ўтказилаётган тарғибот тадбирларида мазкур фикрлардан кенг фойдаланишларини айтишди. Айниқса, вазири ўринбосари Козим Тўлаганов ёшларга ўзининг талабалик йиллари, қурилиш соҳасига кириб келган илк чоғлари ҳамда бугунга қадар бир неча ўн йиллар мобайнида бевосита назоратлари остида барпо этилган бино ва иншоотлар ҳақидаги айтиб ўтилган фикрлари учрашув иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Ўз навбатида ғайрату шижоатга тўла илгор маънавият тарғиботчилари ҳали балоғат ёшида бўлишларига қарамасдан кўплаб давралар ва тадбирларда аҳоли ўртасида кенг тарғибот ишларини амалга ошириб келаётгани ҳақида сўзлаб беришди. Айни мавзуда тайёрлаган кўргазмаларидан намуналар тақдим этишди.

Келгусида бу каби тадбирларни мунтазам ташкил этиш, хусусан вазирилик тизимида фаолият олиб бораётган ёш кадрлар учун мазкур маънавият тарғиботчилари иштирокида маънавият-маърифат соатлари ўтилишига келишиб олинди.

**Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирилик Матбуот хизмати**

## ЭКСПОРТЁРЛАРНИНГ ЯҚИН КЎМАКЧИСИ

**Сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлар учун содда ва шаффоф боғхона тартиб-таомилларини жорий қилишга қаратилган кенг ислохотлар амалга оширилмоқда.**

Таъкидлаш жоизки, соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида 2019 йил давомида Тошкент шаҳар боғхона бошқармасининг таъкидидан фаолият боғхона постлари орқали экспорт қилинган товарлар ҳажми 2018 йилга нисбатан салкам 15 фоизга ортган.

Эришилаётган натижалар албатта юртбошимиз томонидан имзоланган фармон ва қарорлар ижроси юзасидан амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар натижаси деб айтиш мумкин. Тошкент шаҳар боғхона бошқармасида ўтказилган давра суҳбатидида шу жиҳатлар алоҳида қайд этилди. Тадбир экспортёрларга республикамизда яратилган қўлайликлар, қабул қилинган қарор ва фармонларнинг мазмун-моҳияти тарғиботига бағишлаб ташкил этилди.

Унда Тошкент шаҳар боғхона бошқармаси му-

тахассислари, Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва сановатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчиси, Тошкент шаҳар солиқ бошқармаси, Давлат ветеринария назорати, Ўсимлик карантини инспекциялари, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси ҳамда Ўсимликлар карантини ҳудудий инспекцияси, "Ўзстандарт" агентлиги мутасадди вакиллари ҳамда экспортёрлар иштирок этишди.

Тадбирда таъкидланганидек, Президентимиз бошчилигида мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларига кенг кўламдаги қўлайликлар яратилганлиги, экспортни рағбатлантиришга қаратилган боғхона тартиб-таомиллари минимал даражага тушириб борилаётганлиги эвазига юқори кўрсаткичлар қўлга киритилаётгани, боғхона тар-

тиб-таомилларини янада соддалаштириш ва такомиллаштириш, шаффофликни таъминлаш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилмоқда.

Учрашув давомида боғхона назорати ва расмийлаштируви, экспорт-импорт жараёнларида юзага келаётган муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари, коррупция ва бошқа салбий ҳолатларга қарши курашиш масалалари қўриб чиқилди. Шунингдек, соҳа мутахассислари томонидан экспортёрларга ўзларини қизқитириган барча саволлар бўйича батафсил тушунтиришлар берилди.

Тадбир сўнггида бошқарма бошлиғи Б.Дадаматов иштирокчиларга фаоллик учун миннатдорчилик билдириб, тизимда ҳар қандай кўринишдаги коррупцион ҳатти-ҳаракатларга қарши курашиш ва уларни олдини олишда жамоатчиликнинг фаол кўмаги зарурлиги, бунга биргаликда кураш олиб бориш кераклиги ҳақида алоҳида тўхталди. Бу каби масалалар билан кунинг исталган вақтида Давлат боғхона қўмитасининг 11-08 "Ишонч телефон" рақамига ёки бошқарманинг (78) 120-76-76 телефон рақамига ҳамда тегишли таркибий тузилмаларга мурожаат этишлари мумкинлиги айтиб ўтилди. Келгусида ҳам мана шундай учрашувлар ўтказилиб турилиши юртимиз тараққиёти ва равнақи йўлида хизмат қилиши таъкидланди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

## ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ РИВОЖЛАНМОҚДА

**Замонавий дунёда хизматлар соҳаси иқтисодийнинг энг истиқболли ва жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Кўрсатилаётган бозор хизматлари турларининг рўйхати жуда хилма-хилдир.**

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш имконини бермоқда. Натижада, 2020 йил январь ойида хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми 5 491,6 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 113,6 фоизни ташкил этди.

Бозор хизматларининг салмоқли ҳажми молиявий хизматлар, транспорт хизматлари, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ва таълим соҳасидаги хизматларда кузатишмоқда. Валюта сибсатини эркинлаштириш, истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлаш кўламини кенгайтириш, шунингдек, молиявий ташкилотлар томонидан инновацион хизматларни кўрсатиш бўйича амалга оширилган ислохотлар молиявий хизматлар ҳажмининг ошишига таъсир кўрсатди. Молиявий хизматларнинг ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 32,0 фоиз ўсиб, 1 729,0 млрд. сўмни ташкил этди (жами хизматлардаги улуши 31,5 фоизни ташкил қилади).

2020 йил январь ойида транспорт хизматлари ҳажмининг ошишига таъсир қилган омилларидан бири йўловчи ва юкларни ташиш хизматлари бўлган талабнинг ошиши ҳисобланади.

Транспорт хизматлари умумий ҳажмида энг катта улушни автомобиль транспорти орқали кўрсатиладиган хизматлар (63,7 фоиз) эгаллайди. Бу унинг ҳаракатчанлиги, юкларни (йўловчиларни) йўлда бошқа транспортга қўшимча юкламасдан (ўтказмасдан) "Эшикдан эшиккача" етказиб беришда қўлайлиги, транспорт воситасини ҳаракатлантиришда мустақиллиги билан изоҳланади.

Шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори технологик хизматларнинг янада ривожланиши, хизматларнинг янги турларини кенгайтирилиши, кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини яхшилаши алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ошишига таъсир кўрсатди. Алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23,2 фоиз ўсиб, 505,8 млрд. сўмни ташкил этди (жами хизматлардаги улуши 9,2 фоиз ташкил қилади).

**Жорий йилнинг январь ойида Тошкент шаҳрида 2 863,4 млрд. сўмлик чакана савдо айланмаси бажарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 105,0 фоизни ташкил этди.**

Шунингдек, йирик корхоналар томонидан чакана савдо айланмаси ҳажми 825,3 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 117,4 фоизни ташкил қилди. Кичик бизнес субъектлари томонидан чакана савдо айланмаси ҳажми 1 985,0 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 101,8 фоизни ташкил қилди.

Мос равишда, кичик корхона ва микрофирмалар 1061,0 млрд. сўм ёки 104,9 фоизни ҳамда норасмий сектор 924,0 млрд. сўм ёки 100,7 фоизни ташкил этди.

Туманлар кесимида чакана савдо товар айланмаси ҳажмида катта улушга эга бўлган Чилонзор (32,4 фоиз), Яқкасарой (13,4 фоиз) Шайхонтоҳур (11,7 фоиз), туманлари чакана савдо товар айланмасининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.

**Дастлабки маълумотлар бўйича 2020 йилнинг январь ойларида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган сановат корхоналари томонидан 5124,2 млрд. сўмлик сановат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига эришилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан сановат ишлаб чиқариш индекси 105,0 фоизни ташкил этди.**

Жами сановат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омил бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) сановат ишлаб чиқариш индекси 105,3 фоиз, тоғ-кон ва очик конларни ишлаш сановати 97,5 фоизни, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 112,5 фоизни ва сув билан таъминлаш, каналлаштириш тизими, чиқиндиларни утиллация қилиш 95,7 фоизни ташкил қилди.

Технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган сановат таркибида юқори технологияли ишлаб чиқариш ҳажми 179,3 млрд. сўмни (ишлаб чиқарадиган сановат таркибидаги улуши 5,2 фоизни ташкил этди), ўрта-юқори технологияли ишлаб чиқариш ҳажми 801,3 млрд. сўмни (ишлаб чиқарадиган сановат таркибидаги улуши 23,2 фоизни), ўрта куйи технологияли ишлаб чиқариш ҳажми 1172,5 млрд. сўмни (ишлаб чиқарадиган сановат таркибидаги улуши 34,0 фоизни), куйи технологияли ишлаб чиқариш ҳажми 1299,3 (бир триллион икки юз тўқсон тўққиз миллиард) сўмни (ишлаб чиқарадиган сановат таркибидаги улуши 37,6 фоизни) ташкил этди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 1425,4 млрд. сўмни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 109,0 фоизни ташкил этди. Шундан озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 411,8 млрд. сўмни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 112,4 фоизни, ноозик оват маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 925,6 млрд. сўмни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 106,5 фоизни, ароқ ва шароб маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 88,1 млрд. сўмни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 122,7 фоизни ташкил этди.

Тошкент шаҳрида сановат ишлаб чиқаришда йирик корхоналар томонидан 2179,1 млрд. сўмлик, кичик бизнес субъектлари томонидан 5122,1 млрд. сўмлик сановат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиди.

Дастлабки маълумотларга кўра Тошкент шаҳрида сановат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши 2020 йилнинг январь ойида – 57,5 фоизни ташкил этган.

**Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси**

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни

**“БАЛЛИ, АЁЛЛАР!”  
КЎРИК-ТАНЛОВИ  
ФОЛИБЛАРИ  
АНИҚЛАНДИ**

(Давоми. Боши 1-бетда)

“Тадбиркорлик – аёллар талқинида” шарида иштирокчилар ўз қизиқишидан келиб чиққан ҳолда касаначилик, тикувчилик ва таом тайёрлаш бора-сида қанчалик қўли гул бека эканини намойиш этди. “Бахру байт” шари янада қизиқарли ўтди. Унда уй бекалари ижросида ўзбек халқ лапарлари янграганида йиғилганлар қалби баҳорий завқ-шавққа тўлди.

Иштирокчилар чиқишларини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги каби ташкилотлар мутахассислари баҳолаб борди.

Яқунда биринчи ўринни Шарқий ҳарбий округдан Наргиза Жамолдиннова эгаллади. Тоифаланган объектларни кўриқлаш қўшинларидан қатнашган Мохим Облоқуловага иккинчи ўрин насиб этган бўлса, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий-ҳаво кучларидан иштирок этган Мохичеҳра Умарова фахри учинчи ўринга муносиб топилди.

– “Балли, аёллар!” кўрик-танлови ҳарбий хизматчилар оилаларининг жамиятдаги нуфузини ошириш, маънан соғлом ёш авлодни тарбиялаш каби эзгу мақсадни кўзлагани билан аҳамиятлидир, – дейди танлов голибаси Наргиза Жамолдиннова. – Шунинг учун ҳам бошқаларга ўрнатилган сифатида фаол қатнашиб, мутахассислардан қўллаб зарур билимларни олдим. Мухими, фарзандларимизга ўрнатилган бўлишга ҳаракат қилдим. Шундай имкониятни яратиб бергани учун ташкилотчиларга миннатдорлик билдираман.

Фолиблар Мудофаа вазирлиги томонидан диплом, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Абдулазиз МУСАЕВ,  
ЎЗА мухбири**



**АДОЛАТНИНГ ФАОЛ ЖАРЧИЛАРИ**

**Бугун аёл журналистлар миллий медиа тузилмасида ҳам фаол меҳнат қилмоқда.**

Миллий матбуот марказида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан бўлиб ўтган маърифий тадбирга оммавий ахборот воситаларининг турли йўналишларида самарали меҳнат қилаётган журналист опа-сингилларимиз тақдир этилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳақимов, мазкур уюшма қошидаги Журналист аёллар кенгаши раиси Феруза Одилова, Ўзбекистон журналистларини қайта тайёрлаш маркази директори Гулнора Бобононова ва бошқалар бугунги шиддатли ислохотлар жараёнини кенг ёритиш, мавжуд муаммо ва камчиликларнинг илдиниси очиб беришда аёл журналистлар ҳам муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидлади.

Мустақиллик йилларида 2 минг 80 нафардан ортқ хотин-қиз Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган. Ўттиз нафар аёл ижодкоримиз “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист” унвонига эга экани, ўнлаб журналист аёллар эса “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони, орден ва медаллар билан тақдирлангани уларнинг меҳнатига бўлган эътибор намунаси. Ижодкор хотин-қизлар Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказиб келинаётган “Олтин қалам” Миллий мукофоти учун халқаро танлов, “Йилнинг энг фаол журналисти”, “Энг улуғ, энг азиз” каби ижодий кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

– Бугунги шиддатли давр “Аёл уй бекаси, оила қўрғони” деган бир ёқлама қарашларга ҳам барҳам бермоқда, – деди Ўзбекистон журналистларини қайта тайёрлаш маркази директори Гулнора Бобононова. – Бугунги кунда аёллар давлат ва жамоат арбоби, ислохотларнинг фаол иштирокчиси сифатида ҳам юртдошларимиз кўз ўнгидега гавдаланмоқда.

Тадбирда турли йўналишдаги оммавий ахборот воситалари ходимлари тақдирланди. Бугунги журналистика олдидега долзарб масалалар, аёл ижодкорлар манфаатини таъминлаш борасидега тақдир-мулоҳазалар билдирилди.

Иштирокчилар аёлларга кўрсатилаётган эътибор учун миннатдорлик изҳор этди.

**Назokat УСМОНОВА**



“Аёл бир қўли билан бешик тебратса, бир қўли билан дунёни тебратди”, деб бежиз айтилмаган. Бугунги аёл оқила рафиқа ва мўътабар она бўлиш билан бирга, давлатимиз равнақи ва юртимиз фаровонлиги, эл осойишталиги учун турли соҳа ва йўналишларда, шахару қишлоқ, ҳаттоки, энг олис чегара сарҳадларимизда эркаклар билан бир сафда хизмат олиб бормоқда.

Икки нафар фарзанднинг онаси, Қорақалпоғи-

**ЭРКАКЛАР БИЛАН БИР САФДА...**

стон Республикаси божхона бошқармаси “Даутота” чегара божхона пости катта инспектори, божхона хизмати майори Лола Расулова ҳам 16 йилдан буён давлатимиз сарҳадларида сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда. У юртимизнинг иқтисодий хавфсизлиги, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечиришига ўзининг катта ҳиссасини қўшган ҳақиқий ҳарбий аёл, десак муболага бўлмайди.

Божхона органларида хизмати давомда Лола Анваровна қатор божхона қонунбузилишларининг олдини олиш, айниқса, заргарлик буюмлари, наркотик моддаларнинг йўловчи аёллар томонидан ноқонуний олиб ўтилиши ҳолатларини фош қилишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Мамлакатимизнинг шимолий дарвозаси ҳисобланмиш “Даутота” чегара божхона постида хизмат фаолиятини давом эттираётган Лола Расулова айни вақтда ёш божхоначиларнинг ҳурматли устози ҳамдир. Уларга божхоначилик касби сир-асрорларини, фаолият самарадорлиги йўлидаги тавсияларни ўргатишдан чарчамайди. Бошқарма хотин-қизла-

ри орасида ўзининг шижоати ва ташкилотчилик фаоллиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам унинг ҳудудий бошқарма шахсий таркиби ўртасида ҳурмати баланд.

– Йиллар давомда тўпланган касбий тажриба ўз натижасини қўрсатмай қолмайди, – дейди божхона хизмати майори Л.Расулова биз билан суҳбатда. – Инсон сеvimли касби билан шуғулланса, унинг ичига тобора кириб бораверади. Йиллар давомдаги малака, устозларнинг кўрсатмалари божхоначиларни янада сергакликка чорлаб, хизмат фаолиятимизда асқатмоқда.

Бугунги кунда эркак ҳамкасблари билан елкама-елка туриб, сарҳадларимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашишда хизмат қилаётган божхоначи хотин-қизларни нафосат байрами билан чин қалбдан табриклаймиз. Оилаларига бахт-саодат, хизмат бурчларини адо этишда ирода ва куч-ғайрат тилаймиз.

**Довуд АБИБУЛЛАЕВ**

**Аёл – жамият гултожи, меҳр ва муҳаббат тимсоли. Дунёнинг ҳеч бир жойида ўзбек аёлидек тонг отгунча бедор бешик тебратадиган, фарзанди учун тандирда ширин қулчалар ёпадиган, боласининг кўзунчоғини кўзига сурадиган меҳрибон, куюнча она бўлмаса керак.**

Бинобарин, аёлни эъозлаш, унга оила таянчи, миллат тарбиячиси сифатида эҳтиром кўрсатиш, бунга узвий равишда оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш мустақиллик йилларида давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айни йўналишда мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий асос шакллантирилиб, хотин-қизларнинг ҳаётини манфаатларини кафолатлаш қамрови тобора кенгайиб бораётди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” Фармони жамиятимизда аёлларга бўлган алоҳида эътиборнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, интеллектуал, ишбилармонлик салоҳиятини ривожлантиришга қўмаклашиш ҳамда ташаббусларини рағбатлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар опа-сингилларимизнинг оила ва жамиятдаги мавқеи юксалиб боришига замин яратмоқда.

Аёл фарзандини яхши ниятлар ила дунёга келтиради. Келажакда яхши бўлиши учун елиб-югуради ва албатта ундан яхшиликни кутади. Лекин у ниманинг эвазига...

Аёллар бор фарзанди энди тетапоя бўлиши билан чет давлатларга ишлагани кетади. Нима бўлади боланинг келажак. Ҳатто чум-чўк боласини учирма қилгунча атрофдаги ёмон кўзлардан асраш учун бор жони-жаҳди билан курашади, оғзи билан тўйинтиради.

Оилада бирор келишимовчилик бўлса, албатта, катталар ҳам кичикларнинг муаммоларини тинглаши зарур. Хонадон бекаси бўлмиш аёлни ҳам дардини ичига ютмай, сўзлашга имкон яратиш лозим. Шундагина кичик кичик низолар катта жанжалга айланиб кетмайди. Биров билан дардлашмаган одам бора-бора оғир хасталикка чалинади ёки ҳаётдан кўнгли совийди. Йигит киши оила қурган, у нафақат турмуш ўртоғи ҳақида қайғуради. Кўёв йигит зиммасидаги юк икки барбарга кўпаяди.

Аёл гарчи у нозиккина жуссага эга бўлсада, метин иродаси, дарёдай тошқин меҳру муҳаббати билан ҳаётимизни чароғон этиб туради, бахтли қунларимизда бизданда кўпроқ қувонади, бахт-

сиз онларда эса бизданда кўпроқ қуюнади.

Балки шунинг учун бўлса керак, бундай пайтларда беҳиётёр унга талпинамиз, таянмиз, гўё у барча дардларга малҳамдек. Ҳа, аёлни бежиз бунчалар кўп улугламаймиз, асраб-авайламаймиз. Ахир у қалбимиз оланчи, ишончи суянчимиз, беминнат ва доно маслаҳат-

гўйимиз, бугун ва эртамиз учун дахлдор ва мўътабар зот.

Тадбиркор аёл. Бугун бу сўз ўзбек аёли учун беғона эмас. Уддабурон, тазбиркор, фидойи аёлгина эътибор қозона олади, ҳаётда янгилик яратиб, атрофдагиларга ёрдам беришга қодир бўлади. Бугун юртимизда бундай аёлларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Аёл кишини ҳамма нарса бахтли қилиши мумкин. Қачонки, у ўз сеvimли иши билан шуғулланса, олий маълумот олиб, яхши инсонга турмушга чиқса, оиласи тўқис бўлса, атрофда уни қўллаб-қувватлагувчи яқинлари, ҳамнафаслари бўлса, қўйинги, орзу-ниятларига эриш-

**ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ  
ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА  
ТАЙЁРГАРЛИГИ**

**Мамлакатимиздаги умумий ижтимоий-иқтисодий жараёнлар таълим тизимини тубдан қайта қуриш учун ҳам қулай шарт-шароитлар яратди.**

Таълим тизими давлат фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Таълим соҳасида янгиликлар жорий қилиш ва ислохотлар бошланди, улар миллий таълим ва юридик таълим тизимини халқаро ҳамжамиятга босқичма-босқич кириб бориши ва интеграциялашувини назарда тутади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисида Мурожаатномасида таълим тизимини ислоҳ қилишга доир вазифаларни белгилаб олиш ва бу борада бир қанча вазифаларни амалга ошириш кераклигини айтиб ўтдилар.

Президентимиз таъкидлаганидек, “илм-фан соҳасида фундаментал ва инновацион тадқиқотлар учун мақсадли грант маблағларини ажратиш механизмининг тубдан қайта қуриб чиқиш керак. Илм-фан ютуқларининг электрон платформаси, маҳаллий ва хорижий илмий ишланмалар базасини шакллантириш лозим. Ҳар бир олий таълим ва илмий-тадқиқот даргоҳи нуфузли чет эл университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши шарт”.

Бундай вазифаларни амалга оширишда кадрлар тизимини яхшилаш лозим. Бу эса ўз навбатида кадрлар тайёрлаш тизимида юқори сифатли таълимни таъминлаш мотивациясининг камлиги, таълим тизимининг янгиликларга мослашувчанлиги етарли даражада эмаслиги ва таълим тизимининг бозор иқтисодиёти ва ошқаро фуқаролик жамияти эҳтиёжларидан орқада қолаётганлиги кузатишмоқда.

Ҳар сафар қандайдир тизим маънан эскирган маҳсулот ишлаб чиқара бошласа, янги йўналишларни қидириш муаммоси юзага келади. Бизнинг фикримизча, бугунги кунда юридик таълим тизимида кадрлар тайёрлаш тизими айнан шундай вазиятга тушиб қолди. Таълим соҳасида юзага келган вазият салбий ҳодисаларни бартараф этишда тизимлилик, тузилмавий қайта қуришлар, таълим мақсад ва мазмунини янгилаш ҳамда ўқитувчиларни тайёрлаш сифатини республикамиз тараққиётининг замонавий ижтимоий-иқтисодий ва ғоявий-мафкуравий шарт-шароитларига мувофиқ равишда, юқори даражада ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибасига танган ҳолда такомиллаштириш зарурлигини тақозо этади.

Инновация муаммоси таълим педагогика фаннинг ривожланиши тарихи давомда долзарб бўлиб келган. Ҳозирги вақтда жамиятнинг ижтимоий буртосида олий педагогик таълим муассасаларига жўмладан, юридик таълим тизимини ривожлантиришда коррупцияга қарши курашишнинг инновацион усуллари ва ўқув жараёнига педагогик инноватика ғояларини жорий қилиш заруратини тақозо этмоқда. Бирок бу талабга бўлғуси ўқитувчиларнинг касбий асосланган функцияси – педагогик инновацион фаолиятнинг амалдаги тайёргарлик даражаси жавоб бермайди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, вужудга келган бу зиддийат қийидаги номуносиватликлар билан шартланади:

- таълим тизимини ривожлантиришда коррупцияга қарши курашишга доир янгиликларни таълим-тарбия жараёнига муваффақиятли қўллаш учун уларнинг назарий-дидактик асослари ишлаб чиқилмаганлиги;
- таълим тизимини ривожлантиришда коррупцияга қарши курашиш жараёни иштирокчиларнинг “субъект-субъект” муносабатларига интилиши масалалари ўрганилмаганлиги;
- замонавий ўқитувчининг юқори касбий-таълимий ҳаракатчанлиги, бироқ мутахассис фанларнинг ўқув-методик мажмуаларини тезкор янгилашнинг сулғилиги.

Биз тадқиқот учун бўлғуси ўқитувчилар – олий педагогик таълим муассасалари талабаларини мактаб инновацион фаолиятини амалга оширишга тайёрлаш муаммосини танладик ва уни (ҳам жараён, ҳам натижа сифатида) – бўлғуси ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятга тайёргарлиги, деб атадик. Бу муаммо талабаларнинг касбий фаолияти тизимида узвий қиради. Бирок тайёрлашнинг бошқа маълум томонлари (ғоявий-назарий, психологик-педагогик, методик, махсус, илмий) билан бир қаторда турмайди. Балки интегратив сифат кўрсаткич, қайд этилган жиҳатларнинг ишлаб туришини таъминловчи ўзига хос компонент ҳисобланади. Бундай тайёргарликни умумтаълим мактабларини ривожлантиришнинг муайян босқичи учун зарур бўлган хусусий масалалар ечими сифатида қаралмаслиги керак. Талабаларнинг мактаб инновацион фаолиятга тайёргарлиги бозор шароитида ёшларни ҳаёт ва ижодий меҳнатга тайёрлашга йўналтирилган жамиятнинг ижтимоий буртосини мактаб томонидан баҳарлишини таъминлайди.

Бундан ташқари, таълим тизимида коррупцияга қарши курашиш масалалари талабалар ижодкорлиги қобилиятини шакллантиришнинг муҳим шарты бу – фаолият. Демак, юридик таълим тизимининг асосий вазифаси ўшбу фаолиятни ташкил этиш шакл, метод, усул, восита ва йўналишларини белгилаб берувчи зарур ахборотлар билан таъминлаш ҳисобланади.

Таълим тизимида талабаларнинг илмий-техникавий ва ижодкорлик қобилиятларини ўстириш – ҳар қандай тур, босқич ёки даражадаги таълимнинг асосий вазифаларидан биридир. Ўзлаштирилган билимларни амалиётда қўллаш йўллари ва воситаларини билишига ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш, янги техника, меҳнат қуроллари ва янги технологиялар яратиш имконини беради. Кенг қўлмалли ва мустаҳкам билим, кўникма, малака, қизиқувчанлик, ташаббускорлик, муаммоларни мустақил ҳал этишда аниқ мақсадга интилиш ва шахсий фаолиятга нисбатан талабчанлик талаба-ёшлар ижодкорлик қобилиятларини шаклланишининг заминидир.

**Ноила МУСТАФӨЕВА,  
Тошкент давлат юридик университети  
Тил ўргатиш кафедрасининг катта ўқитувчиси**

**ЎЗГИДРОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ

7-12 метр тезликда дарожа эсади. Ҳарорат кесаси 0-2 даража илиқ, кундузи – 8-10 даража илиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиюсга қўра, 7 мартда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шундай муҳим таъкидлар билан таъкидланади. Ҳарорат кесаси 0-2 даража илиқ бўлади.

Тошкент шаҳрида 7 март кунини ҳаво ўзгариб туради, кесаси ва эрталаб қисқа муддатли ёмғир ёниб қорға айланчи зўриқмоли бор. Кундузи ёнғини қилиш бўлмайди. Фардан секундида

**Фарҳоджон ХОЖАЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси ФВВ  
Академияси ўқитувчиси, капитан**

## Реклама ўрнида



IPAK YO'LI BANKI

## Дилбар аёллар!

Нафис баҳорий байрам – 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан табригимизни қабул қилинг!

Барча орзу ва умидларингиз амалга ошсин, ҳар бир кунингиз табассумга тўла бўлсин, ҳаётингизга баҳорий гуллар ифори билан бахт ва қувонч кириб келсин.

Сизларга соғлик ва яқинларингизнинг меҳр-муҳаббатини тилаймиз.

Тинчлик ва хурсандчилик доимо сиз билан бирга бўлсин!

“Ипак Йўли” банки жамоаси

МИЛЛИЙЛИККА  
ЙЎЎРИЛГАН  
ИЖОД

**Дилором Мамедова**  
ижодида миллийлик барқ урган, у ҳар биримиз учун қадрдон бўлган меҳр, садоқат, туғилиб ўсган заминга, ота-онага, умрбоқий эзгу анъаналарга эҳтиром каби туйғуларни бетакрор тарзда ифодалай олган мўйқалам соҳибаси саналади.

Қозоғистоннинг “Тан-Шолпан” мустақил халқаро аёл рассомлар фонди таклифига мувофиқ, Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, “Шухрат” медали соҳибаси, “Эски шаҳар” ижодий гуруҳи асосчиларидан бири, таниқли рассом Дилором Мамедова қардош қозоқ диёрида ижодий сафарда бўлиб қайтди.

Мазкур фонд Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон, Австрия, Германия, Канада ва АҚШнинг таниқли рассомларини ўз сафида бирлаштирган бўлиб, уларнинг ижодий ҳамкорлигини, тасвирий санъатда фикр алмашинувини ривожлантиришни мақсад қилган.

Қозоғистон давлат санъат музейида “Тан-Шолпан” фонди ташкил қилган кўргазмада турли мамлакатлардан 40 га яқин рассом, жумладан, юртимиз вакиласи Д.Мамедова ижоди намуналари намойиш этилди. Экспозициядан рангтасвир, ҳайкалтарошлик ҳамда амалий безак санъати йўналишидаги ишлар ўрин олди.

Шунингдек, Олмаота шаҳрида Дилором Мамедова “Рангтасвир ва импрессионизм: маҳорат сирлари” мавзусида маҳорат дarsi ўтди ва иҳлосмандларга ўз фаолияти, ижоди хусусида батафсил сўзлаб берди.

Ўзбекистонлик маҳоратли рассом аёл ижодига оид кўргазма ва маҳорат дarsi қардош юртининг санъат мухлисларида катта таассурот қолдирди.

ЎЗА

## Реклама ва эълонлар

Тошкент Молия ва иқтисодиёт коллежи томонидан 2016 йилда Қаримов Бегижон Равшан ўғли номига берилган К № 4482674 рақамли (руйхат рақами 588) бўлган диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

“RENEANS GROUP INVEST” МЧЖ (СТИР 207073936) устав фонди 903 267 698,88 сўмдан 713 267 698,88 сўмга камайтирилатганлигини маълум қилади. Мурожаат учун телефон: (91) 166-63-65.

## “Kapital Plus” микрокредит ташкилотининг

## Баланс ҳисоботи

2019 йил “31” декабрь ҳолатига

КОД	ТАРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
		<b>АКТИВЛАР</b>	
10	10100	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари	34 037
20	10500	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар	38 771
30	16300	Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фойзалар	160 776
40	11100	Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - факторинг	0
50	12401+12405+12409+12501+12505+12509+12701+12705+12709+14801+14809+14901+14909+15101+15109+15701+15703+15707	Кредитлар (микрокредит, микроқарз, истеъмо), брутто	5 755 075
51	12499+12599+12799+14899+14999+15199+15799 (қисман*)	Минус: кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси	102 579
52		Кредитлар, соф (50 код - 51 код)	5 652 496
60	15600+15709-15799 (қисман**)	Микролизинг, соф	0
70	16500	Асосий воситалар, соф	221 195
80	16600	Номоддий активлар, соф	0
90	16701	Бошқа хусусий мулклар	0
91	16707+16799	а. Минус: Қўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	0
92		б. Бошқа хусусий мулклар, соф (90 код-91 код)	0
100	19900+16100+16400	Бошқа активлар	27 164
110		Жами активлар (10+20+30+40+52+60+70+80+92+100)	6 134 439

МАЖБУРИЯТЛАР ва КАПИТАЛ			
МАЖБУРИЯТЛАР			
210	21400+21600+22000	Тўланиши лозим бўлган кредитлар ва қарзлар	667 725
220	22100	Лизинг бўйича мажбуриятлар	0
230	22400	Тўланиши лозим бўлган фойзалар	31 120
240	22500	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	4 983
250	22800	Муддати узайтирилган даромадлар	361
260	29800+22200	Бошқа мажбуриятлар	81 950
270		<b>Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260)</b>	<b>786 139</b>
КАПИТАЛ			
310	30301	Устав капитали	2 015 000
320	30903	Умумий захира фонди	234 631
330	30905	Текинга олинган мулклар	0
340	31701	Ўзлаштирилган грант маблағлари	500 000
350	31203	Тақсимланмаган фойда	777 519
360	30908	Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси	2 479
370	(40000-50000) +/- 31206	Жорий йил фойдаси (зарар)	1 818 671
380		<b>Жами капитал (310+320+330+340+350+360+370)</b>	<b>5 348 300</b>
390		<b>Жами мажбуриятлар ва капитал (270+380)</b>	<b>6 134 439</b>

Ушбу ҳисобот “TRANS – AUDIT – А” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан 31.12.2019 йилдаги ижобий ҳулоса билан тасдиқланди.

(Лицензия Молия вазирлиги томонидан № 00825 рақами остида 17.04.2019 йилда берилган).



Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълонлар: (0-371) 233-28-95,  
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот бошқармасида  
02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки  
«Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:  
gazeta-vto@mail.uz

Нашр кўрсаткичи — 563

Буюртма Г-346

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.  
1210 нускада босилди.  
Қозғ бичими А-2

Нашр учун масъул  
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси Босмаҳонаси, Корхона  
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир  
Ақмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 14.45